


«Ҳилол-нашр»да шайх, Муҳаммад Холид Хорса ҳамда шайх, Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратларининг илмий суҳбатлари бўлиб ўтди



10:31 / 13.06.2022 1606

2022 йил 12 июнь куни «Ҳилол нашр» нашриёти мажлислар залида, юртимизда азиз меҳмон, замонамизнинг машҳур алломалари – шайх, доктор Муҳаммад Холид Хорса ҳамда шайх, доктор Аҳмад Муҳаммад Фодил ҳазратларининг илмий суҳбатлари бўлиб ўтди.

Ушбу суҳбат аёлларга хос фикҳий масалалар мавзусида бўлиб, хусусан,

"Арбаъийна ниссаайя мин аҳадиси хойрил барийя" номли Аҳман Юнус Фулайтий жамлаган аёлларга алоқадор 40 ҳадис рисоласи, аллома Ҳусайн ибн Муҳаммад Жиср Тароблусий қаламига мансуб "Ҳадиятул албоб фий жаваҳирил адаб" чиройли хулқ, яхши одоб-ахлоқ ҳақидаги назм ҳамда "Арбаийна Аъжлуния" Исмоил ибн Муҳаммад Аъжлунийнинг китобларини шарҳлаб бердилар. Ушбу китоблар бўйича йиғилган

опа-сингилларимизга ижоза бердилар.

Мазкур давра суҳбатининг тингловчилари қаторида устоза Одинахон Муҳаммад Содик ҳам иштирок этдилар.